

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЭЗГУ ТАШАББУСНИНГ БИР ЙИЛИ

Президентимиз томонидан Бекобод ва Олмалик шаҳарлари ўртасида ривожланиш мусобақаси эълон қилинганига бир йил бўлди



Одатда, мусобақа деганда кўз ўнгимизда спорт беллашувлари гавдаланади. Шунингдек, маданият, санъат ва илм-фан соҳаларида ўзига хос турли халқаро мусобақалар ўтказилишини ҳам биламиз. Албатта, мусобақадан мақсад ўз соҳаси ёки йўналишида энг кучли, энг моҳир, энг зўр ва ҳоказоларни аниқлаш экани маълум.

Аҳоли учун ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратиш, уларни ҳаётдан, бугунги кундан рози қилиш борасидаги шаҳарлараро мусобақа эса биз билган мусобақалар орасида энг олижаноб мақсадларни кўзлаши билан кескин ажралиб туради. Бойси, унда ким голиб ё ким мағлуб бўлишидан қатъи назар, беллашув баҳона амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари қолади. Минглаб инсонларнинг турмуш фаровонлигига эришилади.

Ҳабарингиз бор, 2017 йил 18 август кунин Президентимиз Бекобод шаҳрига ташириб чоғида Бекобод ва Олмалик шаҳарлари ўртасида ривожланиш бўйича мусобақа ўтказиш тақдирини илгари сурган эди. Давлатимиз раҳбари одамларнинг турмушини яхшилашдек олижаноб мақсадларга хизмат қиладиган ушбу ўзига хос мусобақа шартлари ҳақида гап-рар экан, "2017 йилнинг 1 сентябрийда 2018 йилнинг шу давригача иккала шаҳарнинг ривожланиш тенденцияларини кузатиб борамиз. Бу икки металлургия комбинати ўртасида эмас, шаҳарлар ўртасидаги соғлом рақобат бўлади. Бозордаги нарх-наводан тортиб, аҳоли турмуши учун яратилаётган барча шароитлар

инобатга олинади. Янги корхона ишга тушадими, янги иш ўрни яратиладими, барчасини эътиборга олиб борамиз", - деган эди. Мусобақа шартлари маълум - янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ва коммунал хизматлар сифатини ошириш, маданий хордиқ чиқариш учун муносиб шароит яратиш, таълим ва тиббиёт сифатини яхшилаш.

Йирик саноат шаҳарлари аҳолисини бугунги кундан рози қилиш борасидаги мусобақа эълон қилинганига ҳам бир йил тўлди. Ҳўш, шу вақт мобайнида мусобақа шартларига кўра нима ишлар қилинди, аҳоли турмушида қандай ўзгаришлар бўлди?


Асрга татиғулик йил

Қарийб 93 минг аҳоли истиқомат қиладиган Бекобод шаҳрида сўнгги бир йилда салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимиз ташрифидан сўнг 2017-2018 йилларда шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Унда янги

иш ўринлари яратиш, "Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви"ни ташкил этиш, кўп қаватли уйларнинг иситиш тизимини яхшилаш каби аҳоли турмушининг бирламчи эҳтиёжларини қаноатлантириш бўйича зарур чоралар қамраб олинди.

Маълумотларга кўра, мусобақа даврида шаҳарда саноат, тиббиёт, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишларида 137 лойиҳа амалга оширилган. Натижада 2 минг 248 янги иш ўрни яратилган. Президентимиз тақдирига бинноан "Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви" номи билан янги мавзеда 210 хонадонга мўлжалланган 5 та кўп қаватли турар жой қад ростлаган. Яна шунча хонадонга мўлжалланган 5 та кўп қаватли турар жойни куриш ишлари бошланиш арафасида.

Муносиб турмуш шароити яратиш борасида шаҳар аҳолиси олдида қарзимиз кўп,



дейди шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев. - Йиллар мобайнида аҳолининг ичимлик суви, йўл, уйларнинг иситиш, томини таъмирлаш, мухтасар айтганда, кундалиқ ҳаёт учун зарур бўлган асосий йўналишлар издан чиққан. Аҳоли бандлигини таъминлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш, маданий хордиқ чиқариш учун шароит яратиш, болаларни боғчага қамраб олиш каби йўналишлар ҳам эътибордан четда қолган эди. Президентимиз ташаббуси билан "Хар бир оила - тадбиркор", "Yoshlar - kelajagimiz", "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" каби дастурлар қабул қилингани ушбу муаммоларни бар-тарф этишда айни муддао бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари тақлифи ва ташаббуси асосида шаҳарда кичик саноат зонаси ташкил этилди. Мазкур саноат зонасини ривожлантириш бўйича режалаштирилган 17,7 миллиард сўмлик 11 лойиҳадан ҳозирга қадар 3,4 миллиард сўмлик 3 лойиҳа ҳаётга татбиқ

этилди. Бу 128 кишининг бандлигини таъминлаш имконини берди.

Шаҳар силга қарши курашиш диспансери ва 1-оилавий поликлиникада қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур тиббиёт муассасалари энг улуг, энг азиз айём - Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Шунингдек, "Бекобод деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти ҳудудида гипермаркет, Янгиҳаёт маҳалласи ҳудудида 216 ўринга мўлжалланган мактаб биноси қурилиши якунланиш арафасида. "Бекобод - Ховос - Янгиер - Тошкент" йўналишида поезд қатнови йўлга қўйилгани ҳам аҳолининг узоғини яқин қилмоқда.

Президентимизнинг мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга доир фармон ва қарорлари ижроси юзасидан шаҳарда 3 хусусий боғча фаолияти йўлга қўйилди. 3 тасида муддатли гуруҳлар ташкил этилди. Натижада боғча ёшидаги 200 нафардан ортиқ бола мактабгача таълимга жалб этилиб, уларни боғчага қамраб олиш ўтган йилгича нисбатан 4,4 фоизга ошди.

Шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга ихтисослашган 3-сув олиш иншооти 1980 йилда қурилган бўлиб, сув насослари маънан эскирган. Боз устига, иншоотдан шаҳаргача бўлган 9,5 километр узунликдаги қувур кўсини Тожикистон Республикаси ҳудудидан ўтгани боис, сўнгги чорак асрда бирор марта таъмирланмаган. Натижада шаҳар аҳолисини мунтазам тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконсиз вазифага айланган.

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Юқори малакали мураббий кадрларни жалб қилган ҳолда иқтидорли ёш шахматчиларни тайёрлаш, шахмат бўйича миллий терма жамоанинг амалдаги аъзолари билан доимий алоқани таъминлаш, шунингдек, шахматни инсоннинг ақл ва тафаккур жараёнини ривожлантирувчи спорт тури сифатида янада оммалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг:

мажбурий мактаб дастурлари доирасида иловага мувофиқ 150 та умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини тажриба тариқасида шахматга ўқитишни ташкил қилиш; Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабини Ўзбекистон шахмат федерацияси тасарруфига бериш;

2018 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча шахмат клублари ҳамда шахматга ўқитиш ва шахматчилар тайёрлашни амалга оширувчи бошқа спорт муассасалари (кейинги ўринларда шахмат клублари деб юритилади) Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда мажбурий аккредитациядан ўтказилиши тартибини белгилаш;

шахмат клублари томонидан ўзларининг фаолиятлари ҳақида ҳар чоракда Ўзбекистон шахмат федерациясига ҳисоботлар тақдим қилиш механизминини жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон шахмат федерациясига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда:

шахмат клубларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми;

республикадаги барча умумтаълим мактабларида шахматга ўқитишни босқичма-босқич қамраб олиш, юқори малакали мураббий кадрларни тайёрлаш, шахмат клублари ва умумий ўрта таълим мактаблари шахмат синфларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини;

шахмат клублари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар шаклини тасдиқлаш тасвися этилсин.

3. Белгилансинки:

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўз фаолиятини тўлиқ ўзини ўзи молиялаштириш асосида олиб боради, ҳўжалик ва молиявий фаолият масалаларини мустақил равишда ҳал қилади;

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби фаолиятини молиялаштириш унинг ўз маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳўмийлик хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳўжатларида тақилланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда 2018 йил 20 августга қадар умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитиш бўйича таълим дастурларини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: барча шахмат клубларининг паспортлаштиришдан ўтказилишини таъминласин;

қонун ҳўжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 9 август

ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГИМСАН, ВАТАН!

Ҳурриятпарвар аждодларимизнинг асрий ораусини, халқимизнинг тенглар ичра тенг бўлиш ҳўқуқини юзага чиқаргани, миллий ўзлигимизни, қаддимиз ва қадримизни тиклагани, мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиётини таъминлагани билан мустақиллик - энг улуг, энг азиз байрамдир.

Байрам шуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида байрамолди тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Бундай очиқ ва самимий мулоқотларда мустақилликни янада мустаҳкамлаш, миллий ўзлиқни англаш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, қомил инсонни тарбиялаш, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби мавзулар атрофича қамраб олинмоқда.

Давоми 4-бетда ➡

Халқ билан мулоқот

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳўқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини ишончли ҳўмос қилиш кафолатларини кўчаитириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, шунингдек, 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари соҳада мутлақ янги, юксалиш босқичини бошлаб берди.

«СУД РАИСИГА САВОЛИМ БОР...»

Айни шу фармонлар сабаб суд ҳўқимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самардорлиги ва нуфузини оширишга кенг йўл очиб берилганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Айниқса, жўларда суд раислари аҳоли билан доимий мулоқотлар олиб бо-



раётгани одамларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", деган олижаноб

ғоянинг амалдаги ифодаси бўлган ана шундай учрашувлардан бири вилоятимизнинг Бўка туманида бўлиб ўтди.

Давоми 3-бетда ➡

Жиноят ҳақиқати ва адолат

Бу мавзуга аввалроқ тўхталмоқчи эдик. Аммо, жиноятчиға ҳўқм ўқилмай туриб, бу ҳақда ёзишни ис-тамадик. Шундай қилиб, суд ҳўқимига кўра, оққўр-ғонлик Зоҳид Отабоев умр-бод қамоқ жазосига ҳўқм этилди...

Аслида 3 норасидани ўлдирган одам қиёфасидаги махлўққа ҳар қанча жазо ҳам кам. Унинг ўз ҳўлисини қабристонга айлантириб, ўзи даф этган болажонларнинг оталарига "Фарзандингиз, албатта, топилади", дея тасалли бериш ҳеч бир ақлга сиймайди. Бегуноҳ болажонларга бўлган нафратга сабаб нима деяётгандирсиз? Уч олиш...

САККИЗ ЙИЛЛИК СИРЛИ ФОЖИА

аслида қандай содир бўлган эди?

Бир кун Зоҳиднинг маҳалладошлари А. Отамурзаев, Ш. Алимбоев, З. Азимбоевлар унинг нега уйланмаётганини сўраб, ўзаро ҳазиллашсади. Сўхбат Зоҳидга умуман ёқмайди, ўзини камситилган, нафсонияти топталгандек ҳис қилади. Шу кундан бошлаб, у ўч олиш мақсадида режа тузади. Нияти, ҳазилкашларнинг болаларини ўлдириб, шу орқали уларни жазолаш эди. Зоҳид ниятига етди...

У 2010 йилда А. Отамурзаевнинг ўғли Шаҳбозни, 2014 йилда Ш. Алимбоевнинг ўғли Ёркинбекни, 2017 йилда эса З. Азимбоевнинг ўғли Ойбекни ўлдирди...

Зоҳид жиноятчи, қотил, гуноҳдор...

Шу ўринда, ҳақли савол туғилади? Бунга ким айбдор? Ростини айтганда, айбдорларнинг бири Зоҳиднинг ўзи. Зоҳиднинг бу қилмишларидан ёқа ушлаганини кўя турайлик. Лекин, ота-она нега ундаги ўзгаришларни пайқамасди, руҳиятидаги тажовузкорликни сезмасди? Ахир, она юрғи - инсон ақли билан англамаган, кўзи билан кўра олмаган нарсаларни ҳам ҳис қилади-ку. Айтишларича, бир кун мушти-

пар она табибнинг ёнига келиб, шол бўлиб қолган ўғлининг юраги огриётганини айтибди. Табиб уни яхшилаб кўздан кеңиргач, йигитнинг соғлиғи жойидалигини тушунирибди. Кўнглида хавотир билан ортга қайтган она, тонг саҳарлаб яна табибнинг ҳўзурига шошибди. Ўғлининг қўлини чап кўкрағи устига қўйганча жон таслим қилибди.

Буни ривоят дейишимиз мумкин. Бинобарин, 3 ёшли Ойбек Зоҳиднинг кетмони зарбидан ўзини йўқотиб, ҳаёт билан видолашаётган пайтда ҳам онанинг юраги сез-

ганди... Ўғлини қотилнинг ўзидан сўрагани ўшанда.

Зоҳид ташқаридан қараганда, ҳавас қилғулик оилада вояга етгандек кўринсада, ота-она меҳрини кўрмай улғайган, - дейди тергов ишида бевосита иштирок этган Ўзбекистон Психологлар ассоциацияси Тошкент шаҳар ва вилоти ҳудудий бўлими раҳбари, психолог Шоира Исакова. - Буни у билан бўлган сўхбат чоғида пайқадик. Қолаверса, унинг ўзи "Менинг бахтли болалигим йўқ", деди. Гўмонланувчининг ушбу гапи шўхаларимизни кўчаитирди ва у билан чуқурроқ ишладик.

Давоми 4-бетда ➡

– Маҳалламиздаги 21 кўп қаватли уйда 3 минг 400 дан ортиқ аҳоли яшайди, – дейди "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қўзимурод Тўрабоев. – Одамлар учун ичимлик суви ва қиш кунлари уйни иситиш муаммо эди. Сув маълум вақтлардагина берилар, босим камлигидан 4- ва 5-қаватларга умуман сув чиқмас эди. Президентимиз бир йил аввал маҳалламизга ташриф буюриб, ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича зарур топшириқлар берди. Ҳозир бу масалаларда ҳеч қандай муаммо йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифидан сўнг қисқа фурсат ичида 3-сув олиш иншооти жохондаги етакчи фирмаларнинг замонавий сув олиш технологиялари билан жиҳозланди. 9,5 километрга янгидан қувур ётқизилди. Натижада нафақат шаҳар аҳолисининг тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммосига барҳам

минг туп манзарали дарахт кўчати экилиш билан бирга, аввалдан мавжуд бўлган 1 минг тупи сақлаб қолинган. Боғнинг 7 гектар кўйи қисмида сокин ҳудуд барпо қилиниб, 1,5 минг китоб фондига эга кутубхона фаолияти йўлга қўйилган.

Биз борган кун бу ерда шаҳар ёшларининг бир гуруҳи адабиёт ва санъатнинг турли йўналишлари бўйича ижод билан машғул бўлса, бошқалари зўр бериб, давлат тест имтиҳонларига тайёргарлик кўрмоқда эди. Кишини тўлқинлантириб юборадиган ниҳоятда ажиб манзара, дилинг ярайди, беихтиёр муталаага ўтиргинг келади.

Аҳоли учун яратилган қулайликлардан яна бири – асосий темир йўл устидан Фарҳод, Истиклол ва Цементчи маҳаллаларини шаҳар билан боғловчи янги йўл очилганидир. Илгари ушбу маҳаллаларга

эди. Ўтган вақт давомида ана шу асосда амалга оширилган ишлар кўлами ва аҳамиятини шахримиз ўз тарихида ҳеч қачон кўрмаган.

Президент ташрифидан сўнг шаҳарда умумий қиймати қарийб 92 миллиард сўмлик 25 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган эди. Бугунги кунга қадар 31 миллиард 143 миллион сўмлик 10 лойиҳа амалга оширилиб, 205 янги иш ўрни яратилди. "HE-CHUANG TECHNOLOGY" корхонаси ана шулардан бири. Хитойлик сармоядорларнинг 1 миллион долларлик маблағи эвазига фойдаланишга топширилган мазкур корхонада қизилимий ўсимлиги томирдан концентрат ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

"Чевар" масъулияти чекланган жамияти ўтган йил сентябрь ойда фаолият боғловчи 1 миллион долларлик ушбу лойиҳанинг амалга оши-



муш ўртоғим Лайлохон ҳам II гуруҳ ногирони. Нолимаймиз, ўғлимиз Баҳодир вояга етиб қолди. Ундан умидларимиз катта. Лекин, ўз уйинг бўлгани яхши-да. Яратганга шукур, мана, кўп йиллик орзумимиз ушалди. Тўғриси, армон бўлиб қоладими, деган хавотирда юрардик. Чунки, ҳеч ким ҳолингдан ха-

Тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш максатига шаҳар болалар шифохонаси реконструкция қилиниб, бионинг "А" блокдан кўп тармоқли марказий поликлиника, оилавий поликлиника филиали, тез тиббий ёрдам ва қон қуйиш бўлими, "В" блокдан 90 ўринли болалар шифохонаси ўрин олган.

– Шаҳардаги бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзинг қувнайди, эртага ҳаётинг янада яхши бўлишига ишончинг ортади, – дейди Ш. Рашидов кўчаси 18-уй 5-хонадонда яшовчи Рустем Усенов. – Бу ўзгаришлар оиламизни ҳам четлаб ўтмади. Мутасаддилар уйимизни таъмирлаб, мебель жиҳозлари берди. Давлатни ривожлантиришдек гоёт муҳим ишдан ортиб, биз каби имконияти чекланган инсонларга алоҳида эътибор қаратаётган Президентимиздан жуда-жуда миннатдоримиз.

Шаҳарга кираверишдаги Ҳамза номи маҳалла фуқаролар йиғинида 2 минг 400 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. 10 та кўп қаватли уй оралиғида жойлашган қарийб 1 гектар майдон бундан бир йил аввал ташландиқ ҳолда эди. Президентимиз ташрифидан сўнг ушбу ҳудуд ободонлаштирилиб, болалар учун турли аттракционлар ўрнатилди. Замонавий мини-футбол стадиони барпо этилди. Тадбиркор Абдуваҳоб Қорабоев томонидан салқин ичимликлар ва музқаймоқ дўкони қурилди. Эндиликда бу жой нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам севилими масканига айланган.

– Катта бўлсам, футболчи бўлам, – дейди 6-синф ўқувчиси Шохрух Абдусодиқов. – Ҳар кун маҳалламиздаги стадионда болалар билан маза қилиб футбол ўйнаймиз. Авваллари чанг-тупроқ ёки анави бетон йўл устида ўйнар эдик. Эҳ-ҳе, неча марта йиқилиб, кўп жойимиз шилиниб кетарди. Шунинг учун оғирдан роса гап эшитардим. Ҳозир оғир ҳам футболчи бўлишимга қарши эмас. Чунки, ҳеч қаерим шилинмайди-да.

Шаҳар ҳокимлигидан маълум қилишларича, шаҳарда 20 замонавий мини-футбол стадиони қурилиб, болалар ихтиёрига топширилган. Эътиборли жиҳати, улардан фойдаланиш мутлақо бепул.

Президентимиз шаҳарга ташрифлари давомида Ҳамза номидаги маҳалла билан шундоққина ёнма-ён жойлашган "Ойдин деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамиятида ҳам бўлиб, сотувчи ва харидорлар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш, замонавий инфратузилма барпо этиш бўйича тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берган эди. Айтилган бу ерда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Барча қулайликларга эга ушбу замонавий бозор шу ой охирига қадар фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

Анжуманда Президентимизнинг мазкур Фармонида мувофиқ судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлиги уларнинг адолатли қарорлар қабул қилишига ҳар тарафлама хизмат қилаётгани ҳаётини мисоллар орқали тушунтириб берилди.

МУСТАҚИЛ СУД ҲОКИМИЯТИ

жадал ривожланиб
бормоқда

Инсон тақдирига дахлдор масалаларни ҳал этишда адолатлилик ниҳоятда муҳим. Чунки қабул қилинаётган қарор нотўғри бўлса, бир инсон ҳаёти буткул издан чиқиб кетиши ҳеч гапмас. Айни шу жиҳатга кўра, судьяларнинг иш фаолиятида адолат, ҳалоллик, масъулият бош мезон бўлиши талаб қилинади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўтган бир йили саккиз ой давомида суд-ҳуқуқ тизими мислсиз даражада ривожланди. Бугун соҳада олиб борилаётган тизимли ислохотларнинг аҳамиятини ҳеч нима билан қиёслаб бўлмайди. Айни вақтда суд фаолиятига бўлган ишонч тобора ортиб бораётганлигини нафақат юртдошларимиз, балки хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам ақидиллик билан эътироф этишмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳар томонлама пухта ва чуқур ўйланган гоёларга асосланиб, тизим нуфузини ошириш, судларни ихтисослаштириш билан бирга халқ, унинг тақдир, ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилишнинг юксак ифодаси бўлди.

Кун кеча вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши раиси Ўбайдулла Мингбоев ҳамда кенгаш аъзолари қатнашган йиғилишда шу ҳақда сўз борди. Тадбирда вилоятдаги кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда жойлардаги хотин-қизлар кўмиситалари раислари, "Нуроний" жамғармаси фаоллари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда қайд этилганидек, эндиликда қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшитирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига тушунтирилиши суд амалиётига жорий этилди. Шунинг ўзиёқ фаолиятнинг шаффофлигини янада ошишига хизмат қилади, албатта.

Таъкидланганидек, бундан буён судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиб борилади. Бу, албатта, аҳолининг суд ҳокимиятига ишончини янада ошириши шубҳасиз.

Анжуманда Президентимизнинг мазкур Фармонида мувофиқ судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлиги уларнинг адолатли қарорлар қабул қилишига ҳар тарафлама хизмат қилаётгани ҳаётини мисоллар орқали тушунтириб берилди.

Салим АБДУҚОДИРОВ

ЭЗГУ ТАШАББУСНИНГ БИР ЙИЛИ



берилди, балки ойига 300-350 минг киловатт электр энергиясини тежаш имконияти яратилди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, электр энергияси, сув ва бошқа барча йўқотишлар билан қўшиб ҳисоблаганда, бир ойда ўртача 85 миллион сўм тежалаётди. Демак, лойиҳага сарфланган 12 миллиард сўм маблағ 11 йилга етмасдан фақат тежамкорлик ҳисобига тўлиқ қопланади. Тежалаётган электр энергияси эса янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга замин яратиши, зимистон кўчалар, ўчиб-ёниши одат бўлиб қолган минглаб хонадонларга нур олиб кириши шубҳасиз.

Шаҳардаги 349 та кўп қаватли уйда 13 минг 752 хонадон бўлиб, ушбу уйлардаги иситиш тизимининг яхши ишласлиги одамларни кўп йиллардан буён қийнаб келаятган асосий муаммолардан эди. Сўнгги бир йилда 2 минг 376 хонадонга имтиёзли кредит асосида икки контурли иситиш қозонлари ўрнатилди. Жорий йил якунига қадар яна 3 минг 400 та ана шундай иситиш қозони ўрнатиш режалаштирилган.

– Илгари кишининг совуқдан юрак олдириб қўйган эдик, – дейди Пахтакор маҳалласи 66-уй 26-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Усмон Шодиев. – Биз катталар-ку майли, чопон ёпиниб, бир амалимизни қилардик, болаларга қийин эди. Кечаси билан қараб чиқолмайсан, усти очилиб, шамоллайди. Давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдоримиз, йиллар давомида бизни қийнаб келган муаммони ҳал этиб берди. Имтиёзли кредитга икки контурли иситиш қозони олдик. Энди нафақат уйимиз иссиқ, балки исталган вақтда иссиқ сувимиз ҳам бор.

Шаҳар аҳолисининг ишдан ва ўқишдан бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида 22 гектар ташландиқ майдонда замонавий боғ ташкил этилган. "Ёшлар боғи" номини олган мазкур кўнгилочар масканга 15 замонавий аттракцион ўрнатилган. Иккита мусиқали фаввора, иккита сунъий кўл, пиёда ва велосипедчилар учун боғ бўйлаб алоҳида йўлакча, мини-футбол, теннис ва баскетбол майдончалари ташкил этилган. Қарийб 5

Бошланғич 1-бетда

ўтиш ёки қайтиш учун 8 километр масофани айланиб келиш талаб этилар эди. Янги йўл очилиши билан бу масофа энди бор-йўғи 200 метр, ҳу десанг, эшитиладиган даражада яқин.

Маҳаллий аҳолининг айтишича, эски айланма йўлдан кунига ўртача 300-350 автомобиль ўтган. Уларнинг аксарияти бориб-қайтиши инobat-га олинса, бу тахминан 5000 километр дегани. Бу эса, Тошкентдан Кўнғиротга икки марта бориб-келиш билан баробар. Энди бунинг оддий арифметикага соладиган бўлсак, кунига қарийб 500 литр екилги тежалаётгани аён бўлади. Шунингдек, мингга яқин аҳолининг кунига қарийб 170 соат вақти тежалаётгани, айнққса, автомобиллардан атмосферага кўплаб захарли газлар қиқшининг олди олинayтганини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Бир йил шиддати

Олмалиқ мамлакатимизда рангли металл ишлаб чиқариш бўйича йирик саноатлашган шаҳар ҳисобланади. 130 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи шаҳарда сўнгги бир йилда улкан бунёдкорлик, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, шаҳар инвестиция дастурига мувофиқ, 2017-2019 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишлари бўйича умумий қиймати 253 миллиард 457 миллион сўмлик 89 лойиҳани амалга ошириш ва 985 янги иш ўрни яратиш режалаштирилган эди. Айтилган бу ерда қадар дастур доирасидаги 53 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилган ва 607 янги иш ўрни яратилган.

– 11 август кун Президентимиз шахримизга ташриф буюрганига роппа-роса бир йил тўлади, – дейди шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Нурлаҳон Қуддусов. – Давлатимиз раҳбари ташрифи чоғида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ муҳим вазифалар ҳақида тўхталар экан, янги уй-жойлар бунёд этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича зарур топшириқ ва кўрсатмалар берган

рилиши натижасида 180 кишининг доимий бандлиги таъминланди. Айтилган бу ерда 15 турдаги болалар қийими тайёрланиб, маҳсулотнинг асосий қисми Россияга экспорт қилинаётди.

Олмалиқ шахрининг Ибн Сино кўчасида ҳам Президентимиз ташаббуси билан "Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви" қад ростламоқда. Бу ерда ҳар бири 42 хонадонга мўлжалланган 7 қаватли 10 та уй фойдаланишга топширилиш арафасида. Янги массивда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида гипермаркет, мактабга-ча таълим муассасаси, маданият ва истироҳат боғи ҳам барпо этилаётди.

Шаҳарнинг Бўстон маҳалласи ҳудудида кичик саноат зонаси ташкил этилган. Айтилган бу ерда "Олмалиқ кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси томонидан 6 лойиҳани амалга ошириш бўйича ташкилий чоралар кўрилмақда.

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ноғиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида шаҳардаги солибқ ётоқхона биноси қайта таъмирланган, ноғиронлиги бўлган 53 оила, жумладан, шаҳардаги 15 шундай оила уй-жой билан таъминланди.

– Бир оғим яхши ишламайди, 1 гуруҳ ногирониман, – дейди Абдулла Авлоний номидаги маҳаллада яшовчи Элдор Мардонов. – Тур-

Ҳар икки шаҳар одамларининг ҳаётдан розилик, бугунги кундан шукроналик уфуриб турган юз-кўзларидаги мамнунлик бизга ҳам кўнди шекилли, асосий мақсад – ким голиб, деган саволга жавоб топишда очиги, қийналдик. Боиси, сўнгги бир йилда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш йўлида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича бир ўринда Бекобод, бошқасида Олмалиқ шаҳри устун кўринади. Фикримиз асоссиз бўлмаслиги учун биргина мисол. Аҳолига янги кўп қаватли турар жойлар қуриш бўйича Бекободда 5 та, Олмалиқда 10 та кўп қаватли уй барпо этилмоқда. Бу ўринда Олмалиқ шахри голиб! Яра-

Ҳақиқий голиб — аҳоли

тилган иш ўринлари ҳисобига Бекобод шахрида

ишсизлик даражаси 12,1 фоиздан 8,7 фоизга тушган. Олмалиқ шахрида эса бу кўрсаткич ўтган йилги 4,3 фоизлигича, ўзгармай қолган. Демак, бу борада Бекобод шахри олдинда!

Мақола аввалида мусобақада ким голиб бўлишидан қатъи назар, бунда ҳеч бир томон ютқазмаслигини айтган эдик. Лекин теранроқ назар солсак, аслида мусобақанинг мутлақ голиби бор экан – бу ҲАР ИККИ ШАҲАР АҲОЛИСИ, яъни, у ерда яшаётган юртдошларимиз!

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

Сарҳисоб

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиясининг ўтган олти ойдаги фаолияти сарҳисобига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Таъкидланганидек, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари бевосита уларни сайлаган фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, демократик ислохотларни татибиқ этиш, давлат дастурлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан депутатлик назоратини амалга ошириш учун масъул ҳисобланади. Шу жиҳатдан уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамият

равнақида катта аҳамият касб этади.

Матбуот анжуманида комиссия зиммасига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда Сенатнинг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлик механизмининг такомиллаштириш, жойлардаги доимий комиссиялар ваколатларини рўёбга чиқаришда амалий ва услубий ёрдам бериш борасида аниқ вази-

ДАХЛДОРЛИК ВА ФАОЛЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

фалар юклатилгани қайд этилди.

Комиссия Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолияти мониторингини юритиш, депутатлар ишининг самарадорлигини таъминлаш учун ўрганишлар асосида тегишли тақлиф ва тавсиялар тайёрлайди.

Эътироф этиш лозим, комиссия томонидан ярим йил мобайнида турли йўналишларда назорат-таҳлил тартибида ўрганишлар ташкил этилди. Жумладан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини-

олиш самарадорлигини оширишда халқ депутатлари иштироки ўрганилди.


Қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини Халқ депутатлари туман Кенгашларида муҳокама қилиш амалиёти ҳам комиссия аъзолари томонидан атрофлича таҳлил этилди. Ўрганиш олиб борилган вилоятларнинг барча туман кенгашларида сессиялар ўтказилиб, уларда бошқоқли дон экинларини етиштиришда оқсашга ҷароит яратётган омиллар, аҳоли томоркаларидан самарали фойдаланишга тўсқин-

лик қилаётган сабаблар таҳлил этилди. Бундан ташқари, июнь ойда республиканинг барча ҳудудларида сувдан оқилона фойдаланиш, сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш, ғўзада кафолатли ҳосил яратишда парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилди.

Анжуманда комиссия аъзоларининг истиқболдаги режалари ҳусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Ҳумоюн ЎҚТАМЖОНОВ
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат





Шифо маскани очилди

Қибрай тумани "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинида янги "Fortis medical" диагностика маркази фойдаланишга топширилди.

Мазкур тиббиёт маскани тadbirkор Иброҳим Раҳмонқулов ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ташкил этилди. Диагностика маркази замонавий таъхис аппаратурлари билан таъминланган. Шунингдек, қон таҳлилларини ўтказиш учун лаборатория ҳам мавжуд. Бу ерда 6 нафар малакали шифокор, 4 нафар ҳамшира аҳолига хизмат

қўрсата бошладилар. Марказда беморларга ташхис қўйиш жараёнида жaҳон тажрибасидан кенг фойдаланишни мақсад қилганмиз, — дейди тadbirkор Иброҳим Раҳмонқулов. — Келажакда Хундистон ва Россия каби давлатлардан малакали шифокорларни таклиф қилиб, тажриба алмашишни режалаштирганмиз.

Лазизбек боғчага боради

Олмалик шаҳар давлат хизматлари маркази томонидан жойларда мунтазам сайёр қабуллар ташкил этилаётир.

Бу тadbirkорларда аҳолига ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, уларни қийнаётган масалаларни ҳал этишга қўмаклашилмоқда. Шунингдек, бундай хизматлар марказга муносабат қилишга имконияти бўлмаган фуқароларнинг яшаш жойларига бориб ҳам кўрсатилаяпти.

Олмаликлик II гуруҳ ногирони Ойсулов Ус-

монова бир неча йиллардан бери фарзанди Лазизбекни боғчага жойлаштиришда қийналаётганди. Марказ ходимлари унинг хонадонига боришиб, уй бекасида ариза олишти. Зарур ҳужжатлар расмийлаштирилиб, болакайга ҳудуддаги 2-сонли мактабга таълим муассасасига йўлланма берилди.

Интенсив боғда АҚШ технологияси

АҚШнинг халқаро тараққиёт бўйича агентлиги юртимиз Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда вилоятимизда жойлашган "Агроинновация" марказида кўргазмани олма боғини барпо қилди.

Эндиликда "Агроинновация" марказида кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб борилади ҳамда мамлакат бўйлаб боғдорчилик йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади.

Кўргазмани олма боғининг ер майдони ярим гектарни ташкил этади. У ерда "Голден Делишес", "Старкиссон" ва "Салтанат" навли ҳосилдорлиги юқори бўлган олма кўчатлари парваришланмоқда.

Фақат томорқачилар учун

Тошкент туманидаги "Хасанбойгузар" маҳалла фуқаролар йиғинида 940 хонадон мавжуд. Маҳалла аҳлининг кўпчилиги томорқачилик билан шуғулланади.

Уларга қўлайлик яратиш мақсадида "Тошкент томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти ўз филиалини ишга туширди. У маҳалла аҳлига деҳқончиликда зарур бўладиган ўсимлик уруғлари ва кўчатлар етказиб беришни йўлга қўйди.

— Саккиз сотих боғим бор, — дейди маҳаллада истиқомат қилувчи Авзхон Нейматов. — Олма, ўрик, гилос ва шафтоли кўчатларини парваришлаймиз. Марказнинг мин тракторлари ёрдамида зарур агротехник тadbirkорларни амалга оши-

моқдамиз. Бундан ташқари, зараркунандаларга қарши кимёвий препарат ва уларни сепишда ишлатиладиган мосламалардан ҳам фойдаланаямиз.

Шунингдек, "Тошкент томорқа хизмати" томонидан аҳолига иссиқхона ташкил қилиш учун зарур бўлган воситалар ва минерал ўғитлар кредитга ҳам берилмоқда.

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди

Д. АХМЕДОВ олган сурат



Эсимда, ўшанда бола эдим. Ҳовлимиздаги экинларни водопровод суви билан сугорётгандим. Онам кириб келдилар.

— Болажоним, бу нима қилганинг? Экинларни ичимлик суви билан ҳам сугорадими? Ана кўча-

аҳоли яшайди, — дейди "Зарафшон" маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Арапбой ота Арубов. — Тўғри, "Жамбул" жамоа ҳўжалиги тутилган, ҳўжаликка қарашли бўлган сув иншоотини "Сувоқова" давлат уни-

фахрийси Турғун ота Ботирбеков. — Биласиз, ҳудудимиздан Паркент канали оқиб ўтади. Ундан баҳор ва ёз ойларида истеъмол учун ҳам, чорвачилик учун ҳам фойдаланамиз. Аммо, баъзан ёз

ЖАМБУЛЛИКЛАР ОРЗУСИ УШАЛАРМИКАН?


даги ариқда сув тўлиб оқаяптику, — дея танбех бердилар. — Сувни увол қилиш кечирилмас гуноҳ, билсанг. Ахир, одамлар бир томчи сувга зор. Сен эса...

Онамнинг бу гаплари менга қаттиқ таъсир қилган эди... Бу воқеани бежизга эсламадим. Яқинда Юқори Чирчиқ туманидаги Жамбул қишлоғига қарашли "Бўстон" ва "Зарафшон" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди. Бу ердаги аҳоли ичимлик суви етишмаслигидан азият чекаётган экан.

— Қишлоғимизда минг дан ортиқ хонадон ва 10 мингга яқин

тар корхонаси туман филиали ўз тасарруфига олди. Адашмасам, корхона томонидан 2010 йилда эски иншоот таъмирланиб, аҳолига тоза ичимлик суви чиқариб берилганди. Аммо, қувончимиз узокқа чўзилмади. Бир-икки йил ўтар-ўтмас яна сув муаммоси бошланди. Жуда кўп бора мутасадди раҳбарларга мурожаат қилдик. Лекин, ҳеч қандай натижа бўлмади.

— Қишлоғимиз аҳолиси асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади, — дейди "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи яна бир меҳнат



Бу борадаги ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Бўқа туманига йўл олдик. Туман марказидаги 1-умумтаълим мактаби эътиборимизни тортди. Таълим муассасаси ҳовлисида аллақандай бино бузилаётган экан. Мактаб директори Бахтиёр Нурматовнинг айтишича, бу бионинг мактабга умуман алоқаси йўқ экан. Маълум бўлишича, бундан анча йиллар аввал шу ердан тўйхона учун ер ажратилган бўлиб, ўзбошимча қурилишлар бошланиб кетган. Кейинчалик бино қурилиши ноқонуний қурилма сифатида тўхтатиб қўйилган. Қизиги, ордан вақт ўтиб, қайсидир банк томонидан сотиб олинганмиш. Шунинг учун келгусида бу жойда қурилиш ишлари давом этиб, аллақайси банк филиали ўз фаолиятини бошлар экан. Агар бу гап рост бўлса, савол туғилади — мактаб ҳовлисида банк биноси бўлиши тўғрими? Умуман, бу ҳолатни маъқулловчи бирорта мезон борми? Саволлар кўп...

Туманнинг қоқ марказида жойлашган ушбу мактаб 613 ўринли бўлиб, 42 ўқитувчи эртаминг давомчилари таълим-тарбия беради. Шундай деймиз, аслида бу ерда рисоладагидек шароитнинг ўзи йўқ. Мактаб биноси жуда эскирган, деразаларнинг айримлари синиб ётибди. Кичик бўлса ҳам ошхонаси бордир, деб ўйлагандик, афсуски, йўқ экан. Ёгингарчилик мавсумида томлардан ҳам чакка ўтиши кўриниб турибди. Спорт зали таъмирталаб, фаоллар залига кирган кишининг нафаси қайтади: чанг босиб ётган бу хона худди омиборхонага ўхшайди. Футбол майдончаси эса талабга умуман жавоб бермайди. Тошлоққа айланиб қолган бу майдончада футбол ўйнаган ўқувчи жароҳат олиши турган гап.

Синфхоналар, лабораториялар ҳам талаб даражасида эмас.

Янги ўқув йили яқин:

БИРИНЧИ СОАТ

«БАҲОНАЛАР ДАРСИ»МИ?

Айни вақтда вилоятимиздаги халқ таълими муассасаларида янги 2018-2019 ўқув йилига тайёргарлик ишларини ўз вақтида, сифатли бажаришга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақсад битта — бу йил мактабларда ўқувчиларнинг ҳар томонлама пухта билим олиши учун барча шарт-шароитларнинг ўқув йилининг бошланишига қадар яратилишига эришиш. Шундай бўлиши ҳам керак, албатта. Чунки, бугунги ислохотларнинг самараси, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ёшларимизнинг қандай шароитларда таълим-тарбия олишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бир дунё муаммолари бўлишига қарамадсан, ҳадемай, бу ерда 613 нафар ўғил-қиз ўқишини

нинг сабабларини сўрадик. Жасур Мажидовнинг айтишича, туман маҳаллий бюджетидан



ўйлаб, нима дейишни ҳам билмай қолдик...

Бахтиёр Нурматовнинг айтишича, мактаб 2017 йилда капитал таъмирлаш режасига киритилган экан. Бироқ, аллақандай сабабларга кўра бу ортага сурилибди...

Мактаб директори мавжуд муаммолар юзасидан юқори идораларга ёрдам сўраб мурожаат қилганини, аммо ҳозирча бунинг фойдаси бўлмаётганини айтди.

Шу гапдан кейин туман халқ

барча мактабларни 2018-2019 ўқув йили куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун олти миллион сўмдан маблағ ажратилган экан. Бизга шу ҳақда туман ҳокимининг фармойишини ҳам кўрсатишди. Ҳоким Н. Избосаров имзолаган фармойиш яна бир қанча саволларни келтириб чиқарди...

Очиги, унда кўрсатилган маблағ 1-умумтаълим мактабида қўрган муаммоларимизга урвоқ ҳам бўлмайди. Ҳамроҳларимиздан "Шу маблағлар етарлими",

деб сўрадик. Улар айбни осонгина директорга ошириб қўя қолишди — Бахтиёр Нурматов бу ҳақда ўз вақтида мурожаат қилмаган экан... Бу гапни эшитган директорнинг жaҳли чиқиб кетди — ўртада тортишув бошланди. Бахслардан тушундикки, директор ҳақ экан...

...Тумандаги 7-мактаб филиалида. Филиалда қурилиш

7-умумтаълим мактабининг ўзига ҳам бордик. Маълумотларга кўра, 310 ўринли мактабда 315 ўқувчи ўқийди. Уларга 40 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда.

Мактабни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича бир мунча ишлар қилинган. Лекин, бу ерда қоровулхона, турникет, ошхона, спорт зали йўқ. Фаоллар зали эса мослаштирилган экан...



Умуман, ўрганишларимиздан аён бўлдики, туманда жами 49 та мактаб бўлса, улардан 6 таси ўқув йилига тайёр эмас. Нега? Ахир, бугун, аввало, таълим муассасаларида қўлай, замонавий шарт-шароитларнинг яратилиши ва улардан оқилона фойдаланиш, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг амалиётга жорий этилиши муваффақиятлар омили эканлигини мутасаддилар унутиб қўйишганми?

Биз туман мутасаддилари мавжуд аҳволни чуқур таҳлил қилиш орқали мактабларда эртаминг давомчиларининг ҳеч кимдан кам бўлмай таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитларни таъминлаш, йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш борасида тезкор чоралар кўрадилар, деб ишонамиз. Зотан, маърифатпарвар бобоқалонларимиздан бири: "Дунё иморатларининг ичида энг улуғи — мактабдир", деган эканлар. Мактабга баҳо мана бундоқ бўлибди, бу гапнинг магзини қаҳайлик...

Саволимизга 7-мактаб директори Доноҳон Жумабоевнинг жавоби шу бўлдики, 81 нафар ўқувчини асосий бинада вақтинча ўқитиш режалаштирилган. Ўқувчиларни шунча жойга олиб бориш, олиб келиш учун тумандаги Меҳрибонлик уйининг 2 та автобусидан фойдаланилarmiш... Бунинг учун ёқилги масаласи Бўқа тумани ҳокими билан келишиб, ҳал қилинган экан. Мабодо шу масалалар ечилмай қолса, 81 нафар ўқувчи одатдагидек, яна хонадонларда тахсил олишга мажбур бўлади. Шу ҳақда эшитганда, кўнглимиздан оғрикли саволлар ўтди. Қачон мактабда ўқийман, деб зорланаётган болаларнинг қайғуси нега мутасаддиларни фавқулодда чоралар кўришга ундамаяпти? Мутасаддилар ҳамроҳлигида

Абдусалим МАХМУДОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар

Авваллари тadbirkорлар мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт шартномаларини "Ўзгрозекспорт" АЖ томонидан эълон қилинган нархларга мувофиқ белгилашлари керак эди. Бу ишбилармонларнинг фаолиятида муайян нуқулликларни юзага келтираётганди. Эндиликда, мазкур тартиб бекор қилиниб, экспортёрлар нархни ўзлари мустақил белгилаш имконига эга бўлдилар.

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ АСОСИ



Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишлаб Тошкент тумани ҳокимлигида ўтказилган тadbirkорда шу каби аниқликлар ҳақида сўз борди. Унда вилоят адлия, божхона, иқтисодиёт, солиқ, марказий банк, инвестиция, ер ресурслари ва давлат кадастри каби идоралар мутасаддилари, туман ҳокимлиги, маҳалла раислари ва тadbirkорлар иштирок этишди.

Мулоқотда мутахассислар томонидан қатнашчиларга юқорида тилга олинган фармоннинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда аҳамияти ҳақида кенг тушунча берилди.

Қайд этилганидек, мазкур ҳужжатнинг мақсади мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри сармояларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва улар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини оширишдан иборатдир.

Фармон билан инвестор ва тadbirkорларга бир қанча қўлайликлар яратилмоқда. Жумладан, чет эл инвестицияси иштирокидида корхоналар устав фондининг минимал миқдори 600 миллион сўмдан 400 миллион сўмгача туширилди. Чет эл инвестицияси иштирокидидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўқатиш учун давлат божи уч бараваргача камайтирилди. Эндиликда

Зухриддин РАҲМОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

Байрам шукуҳи

Хусусан, худди шундай ҳаяжонли ва завқли учрашувларнинг навбатдагиси Қибрай тумани тиббиёт бирлашмасида ўтказилди. "Маънавият ва маърифат" маркази, Ёшлар иттифоқи билан биргаликда уюштирилган



нанда Д. Исмиёминова, "Мард ўғлон" Давлат мукофоти совриндори

Шу мазмундаги яна бир тадбир Чирчиқ шаҳри, Бўстонлик туманида-

ги ҳарбий қисмларда, шунингдек, Чорвоқ қишлоғидаги "Бўстонлик

ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГИМСАН, БАТАН!

"Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!" шiori остидаги маънавий-маърифий кечада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академияси докторанти А. Каржаронов, Ўзбекистон Миллий академик драма театри актери, халқ артисти Ё. Саъдиев, республикада хизмат кўрсатган артист Ф. Абдуллаев, хо-

О. Султонов, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси ўринбосари, "Шуҳрат" медали совриндори Э. Абдураимов ва бошқалар иштирок этиб, истиқлол нэммати, қадрли, шуқроналик саодати, бугунги оламшумул ислохотлар ва уларнинг кундалик турмушимиздаги аҳамияти хусусида сўзладилар. Йигилганларга ўз иход намуналаридан ихро этдилар.



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Мен киргиз фарзандиман. Бўстонлик туманидаги Жооҳурек қишлоғида туғилиб ўсганман. Қишлоғимиз кичкина, бор-йўғи йигирматача оила бор. Қозоқ тили мактабини битиргач, 1966 йили собиқ ТошДунийн механика-математика факультетида ҳужжат топширдим. У пайтлар ўзбек тилини яхши билмасдим. Айниқса, математика фанига оид "масофа", "юз", "ҳажм", "сирт", "сурьат", "маҳраж" каби атамаларни тушунишим йиллар эди. Кириш имтиҳонида масала шартларини бирга синовдан ўтаётган дўстларим тушунтириб беришган. Насибам қушилган экан, талабалар сафига қабул қилиндим. Ўқиш даврида дарсга аввалроқ келиб, устозларнинг маърузаларини тўлиқ ёзиб олишга ҳаракат қилардим.

МЕҲРИНГ ЯГОНА



Кейинроқ пахта терими даврида ўзбек тилини чуқурроқ ўзлаштириш бошладим. Дўстлар билан доимий мулоқот ўз самарасини берди. Айниқса, кечки овқатдан кейин гулхан атрофидаги шөрий кечалар жуда қизиқарли ўтарди. Курсдош қизлар ҳинд қўшиқларини куйлаб, рақсга тушишар, турли монологларни ҳаяжон билан, маромига етказиб ижро этишарди. Курсдошимиз Назрулло Абдулла Орипов шөри билан айтиладиган "Биринчи муҳаббатим" қўшиғини машҳур ҳофиз Фахриддин Умаров овозига тақлид қилиб, жуда маромига етказиб айтди, биз эса бу қўшиқни қайта-қайта ижро этишини сўрар эдик.

Севимли ёзувчиларимизнинг машҳур асарларини қўлма-қўл ўқирдик. Шуҳратнинг "Олтин зангалмас", Пиримкул Қодировнинг "Уч илди", Саид Аҳмаднинг "Уфқ", Ўткир Хошимовнинг "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин" асарларини навбат талашиб ўқиганларимиз ҳамон ёдимда.

Пахта мавсуми тугаб, имтиҳонларга тайёргарлик бошланди. Ўқийшнинг илк кунлари ёзган матнларимни ўқиб, ўзимни кулгидан тўхтата олмасдим. Чунки, домаларнинг айтган ҳар бир сўзларини, ҳаттоки "вергул қўйинг", деган жумлаларини ҳам тўлиқ ёзиб олган эканман.

Шу тариқа, беш йил ўтди. Ўқишга сидқидилдан ёндашувларим зое кетмади. 1971 йили университетни битириш чоғида тақсимлаш

комиссияси Фанлар академиясининг "Механика ва иншоотлар зилзилабардорлиги" илмий-тадқиқот институтига йўлланма берди. Аспирантурада ўқидим, 1978 йилда илмий ишимни ёқлаб, даража олдим. Сўнг ҳозирги Тошкент давлат техника университетида, Тошкент ахборот технологиялари университетида ёшларга касбқўш бердим. Мен каби оддий бир қишлоқ фарзандининг бундай ютуқларга эришишида, албатта, ўзбек касбқўш дўстларимнинг, устозларимнинг кўмаги, қўллаб-қувватлаши бекиёс. Бу — ўзбек халқи бағрикенг эл эканлигининг яққол далилидир.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида "Ўзбеклар иши" деган нағма бошланганида киргиз адиби Чингиз Айтматов "Правда" газетасида катта мақола чоп этиб, ўзбек халқини ёқлаб чиқди. Бу мақола халқимиз "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин" асарларини навбат талашиб ўқиганларимиз ҳамон ёдимда.

Чингиз оға шу мақолани ёзганида ўзбек халқининг меҳнатқашлиги, қўшничилик қадриятларини ёзозлай олиш хислатларини кўз олдига тутгани аниқ. Чунки, киши бошига мусибат тушгандагина ҳақиқий дўст кимлиги аён бўлади. Балки, киргиз халқи ҳам қўшничилик, биродарлик фазилатларини юксак қадрлаши буюк адибнинг қўлига қалам олишга ундаганидир?

Абдулла ТЕМИРБЕКОВ,
меҳнат фахрийси

Катта тезликда келатган машина "ғийқ" этиб тўхтади.

— Нима бўлди, одамнинг юрагини ёрдингиз? — сўради аёл эрига қараб.

— Йўлимдан нимадир чиққандек бўлди... — Эрак аста машинадан тушиб, олд тарафга юрди, хотини ҳам ортидан борди.

Машина филдираклар тагида кучукча инграб ётарди. Оёғини босиб кетган кўринадилар... Эрак: "Ах" дедида, хотинига нима қилдик, дегандек бокди.

— Хайрият одам эмас экан, — ёқасига туфлади аёл. — Юринг кетдик, кечикаяймиз...

Шу пайт йўл четида катта ит кўринди. Лўкиллаб улар томонга чопди. Аёл кўрққанидан машина эшигига суянди ва эрини шоширди. Аммо, ит одамларга қий бокмай, кучукчани искади. Сўнг аламли бир аллозда увланди.

— Боласи, шекилли, — бошини қашлади эр-

Шанба сабоқлари

как ва аранг нафас олаётган лайчага қўлини теккизди.

— Дилноз, қара, ҳали тирик... Балки шу атрофда бирор мол дўхтири...

— Эй, бунча кўнгил-



чан бўлмасангиз! Битта итга шунчами? Бўлсангиз-чи, ота-онам кутиб қолишди! Хомиладор аёлни бетоқат қилмаслик учун эрак мажбуран машинага ўтирди. Кетаркан, кўзгу орқали орқада қолган она ит ва кучукчадан кўзини узолмади.

— Ишқилиб, омон қолсин... Уша воқеа анчагача эсидан чиқмади эракнинг. Орадан беш ой ўтиб, хотини ўғил тук-

пластекст" корхонасида ҳам ташкил қилинди. Тарғибот гуруҳи аъзолари йигилганларга халқимизнинг бой тарихи, жаҳон аҳлини лол қолдириб келатган осори-атикалари, маданияти, санъати, кўп миллатли халқимизнинг тинч-тотув ҳаётини таъминлаб турган маънавий асослар, оила масъулияти, фарзандлар тарбияси хусусида ҳаётий мисоллар ёрдамида гапириб беришди. Тадбирга сеvimли хонандаларимизнинг куй-қўшиқлари, иштирокчиларнинг жозибador рақслари алоҳида фэйз киритди.

Юртимиз мустақиллиги, озодлиги, эрки ва ҳурлигини тарғиб ва тараннум этувчи бундай тадбирлар вилоятимиз бўйлаб давом этмоқда.

Ирода МУҲАММАДЗИЗОВА,
"Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлимининг бош мутахассиси

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

БЎШ КЕЛМА, АЗИЗБЕК!

Тўрт ёшидан буён спортнинг каратэ ва турон жанг санъати турлари билан мунтазам шуғулланган олмаликлик ёш спортсевар болакай, келажакда чемпион бўлишни орзу қиларди.

Айтиш керакки, жанг санъатининг Jeet kun doo тури Азизбек Ҳакимовнинг орзулари ушалишига хизмат қилди. У 2013 йилда Бухорода ўтказилган республика чемпионатида биринчи бўлди. Кейинчалик, республика ва халқаро турнирларда ҳам муваффақиятларга эришди. Ҳозирда, қаҳрамонимиз вилоят Jeet kun doo федерациясига раислик қилмоқда. Кунонарлиси, вилоятимизда мингдан ортиқ йигит-қиз шу спорт тури билан шуғулланаётир.

Этиборлиси, федерация ташкил этилганидан буён, ўтган вақт мобайнида вилоятимиздан 3 нафар жаҳон, 7 нафар Осиё чемпиони етишиб чиқди. Айтиш жоизки, жорий йилнинг март ойида Таиланд пойтахти Бангкокда ушбу спорт тури бўйича илк маротаба жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатимиз терма жамоаси 12 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медаллари шодасини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Ҳа, айтгандай, жаҳон чемпионатида вилоятдошимиз Ҳиндистон, Покистон ва туркиялик рақибларини фулконтак йўналишида енгиб, финалда эса, шриланкалик рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмай, чемпион, деган фахрли номга сазовор бўлди.

Шу кунларда қаҳрамонимиз сентябрь ойида бўлиб ўтадиган халқаро турнирга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Илмира ЛАЗИЗОВА

ЗАРБАСИ ЗЎРЛАР РИНГДА ҒОЛИБ

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ташаббуси билан Зангиота туманида бокс бўйича 2000-2001 йилларда туғилган ёшлар ўртасида "Ҳоким кубоги" халқаро спорт мусобақаси ўтказилди.



"Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган мазкур чемпионатда мезбон боксчилардан ташқари, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Андижон, Сирдарё, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри, қолаверса, Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Малайзия, Қозғистондан келган жами 102 нафар чарм қўлқоп устаси ғолиблик учун беллашди. Ёш спортчилар 13 та вазн бўйича рингга кўтарилишди. Беллашувлар мурасасиз ва кескин курашларга бой кечди. Яқунда умумжамоа ҳисобида вилоятимиз вакиллари биринчи, андижонликлар иккинчи, Тожикистон

Республикасида келган боксчилар эса учинчи ўринни эгаллашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу мусобақа Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасидаги Олимпияда ўйинларига ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтаб берди.

Зухриддин ҚАМБАРОВ

АСОСИЙ ТАРКИБ АНИҚЛАНДИ

Футбол

Маълумки, футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси тез кунларда Индонезияда старт оладиган XVIII Осиё ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Мазкур йирик мусобақа олдидан Равшан Ҳайдаров шогирдлари сўнгги назорат учрашувини Бекободнинг "Металлург" клубига қарши ўтказишди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти стадионида ўтган беллашувда бекободликлар рақибларидан кичик 1:0 ҳисобида устун келишди. Ўйиндаги ягона голни Зоҳид Абдуллаев киритди.

Бу учрашувда Олимпия терма жамоамиз мураббийлари таркибга тақлиф қилинган барча футболчиларини синовдан ўтказиб олишди. Бу эса якуний таркибни танлашда муҳим аҳамият касб этди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, Индонезияга йўл олиши эълон қилинган таркибда "Металлург"дан икки нафар футболчи ҳам жой олган.

Ўз мухбиримиз

Жипоят ҳақиқати ва адолат

Маълум бўлишича, у доим этибордан четда қолган, унинг қизиқишлари, орзу-ҳаваслари, интилишлари ҳеч кимни қизиқтирмаган. Ҳатто, бирор-та яқин дўсти, ошна-оғайнисини йўқ йигит ўз қобилиятига ўралиб юрарвадди. Ота-она доим ишда, йигит эса кўпинча уйда ёлғиз бўлади. Зоҳид болаларни жуда яхши кўрган, шу билан бирга, улардан нафратланган ҳам. Унинг ўта хотиржам қийфаси, ҳис-туйғу ва ҳаяжонларини жиловлаб олиши иш жараёнини бир оз қийинлаштирди. Ҳатто, у қотил эмас, деган ҳаёлга ҳам бордик. Аммо, унинг юзидаги истеҳзо фикримиздан қайтарди. Ишонсангиз, у ўз қурбонларининг суратини кўрганда ҳам сир бой бермади. Йиллар давомида йигилган алам, нафрат, уни қотилликка бошлаган. Сўхбат чоғида, ундан сочи қачон оқарганини сўрадик, у 7-8 йил олдин, дея бамайлихотир жавоб берди. Бу эса 2010 йилга тўғри келади. Шубҳалар янада ортди. Зоҳиднинг синфдошлари, у доим орқа партада ўтирганини, математикани яхши билишини таъкидлашди. Шунинг учун ҳам у қотилликни режа, аниқ ҳисоб-китоб асосида амалга оширган. Шунингдек, унинг телефонидаги болалар расмлари коллекцияси этиборимизни тортиди.

Шу ўринда, доғимандларнинг бепарво одамларга қарата айтганларини эслаш ўринли. "Душманлардан кўрқма — нари борса, улар сени ўлди-

риши мумкин. Дўстлардан кўрқма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзиде хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади."

САККИЗ ЙИЛЛИК СИРЛИ РОЖИ

аслида қандай содир бўлган эди?

Ота-онанинг фарзанд тарбиясига бепарволиги мана шундай аянчалик юн топангига бугун барчамиз гувоҳимиз. Зеро, фарзанд бахту иқболи, унинг камолотида ота-она, болаликдаги илк тарбия, кўрсатилган меҳр ва ғамхўрликнинг ўрни ва роли бекиёс. Мавлоно Румийнинг шундай ҳикмати бор: "Инсон вужуди ўрмонга ўхшади. Агар оғоҳ бўлсанг, бу вужуддан чекин! Вужудимизда минглаб бўрилар, тўнғизлар, яхши-ёмон, ҳалол-ҳаром минглаб сифатлар бор...Инсон баъзан бўри бўлса, баъзи лаҳзаларда Юсуфдек ҳушсурат бўлади. Кўнгида ҳар лаҳза бошқа бир туйғу бош кўтаради... Инсон баъзан шайтонлашади, баъзан малакка айланади, баъзан туюқ бўлади, баъзан йиртқич ҳайвон..."

Ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин, шуни

унутмаслик керакки, инсоннинг тарбияси унинг "ўрмони"ни барча иллатлардан тозалайди. Ҳаромдан узоқлаштиради, пок ва ҳалол яшашга ўргатади. Тарбия эса, соғлом оилавий муҳитда шаклланиб, мустаҳкам илдиэ отади.

...Носоғлом оилавий муҳит Куйи

чирчиқлик Зера Газиевани ҳам қотилга айлантирди. Тўғри-да, ота меҳри у ёқда турсин, уни умрида кўрмаган қиз, фарзанд, яқинлар қадрини, оила муқаддаслигини қаердан билсин? Онасида эрта айрилган Зера ва синглиси бувиси Султаниянинг қўлида қолади. Уларни боқишга қўрби етмаган Султания опа-син-

гилларни Меҳрибонлик уйига топшириб юборади. Орадан йиллар ўтиб, 14-15 ёшли қизларни буви яна ўз бағрига олади. Қизлар учун қаро кунлар бошланади...

Зера ўғай бобоси томонидан таҳқирланади, ҳўрланади. Бунга ҳеч ким этибор бермайди. Яна савол туғилади. Маҳалла, фаоллар, профилактика инспекторлари Газиевлар хонадонидеги вазиятдан беҳабармидилар? Наҳот, ёш қизни ўғай бобоси зўрласа-ю, буни ҳеч ким билмаса? Бировнинг уйидаги гапни ким ҳам биларди, деса-сангиз, адашасиз.

Шундай қилиб, эндигона 15 га кирган Зера одамлардан нафратлана бошлайди. Яшашга иш-тўғи сўнади, ўзини ҳеч кимга керакмасдек ҳис қилади.

Болалиги азоб-уқубат ва изтиробда ўтган қиз бувисидан қасд олиш ниятида уни аввал заҳарлаб, кейин эса оғзига ёстиқ босиб ўлдиради. Мана, сизга оиладаги носоғлом муҳитнинг фарзандлар тарбиясига таъсири.

Ирода НОРОБОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
12 045 нусхада
чоп этилди

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
оператор Т. Маҳмуджоев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Бехзод ҚОБУЛОВ
Навбатчи
Эрали НОРОБЕКОВ
Назоратчи мусавхх
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА